



2022 йил сарҳисоби

Афсуски, ижтимоий кайфиятга таъсир этувчи бу ҳолат йиллар давомида деярли эътиборсиз қолдирилди. Токи, масала юқори минбардан айтилмагунча, жиноят ишлари бир томонлама кўриб чиқилди.

Оқибатда "... фалон нарсада гумонланаётган экан, иши терговга ўтибди", кимнингдир тақдирини шундай ҳолатни эшитганда, бирданига ачиниш билан ҳамдардик билдиргансиз. Чунки аксарият ҳолларда терговга тортилган шахс борки, айби "бўйнига кўйилган" ва тегишлича жавобгарликка тортилган. Жуда кўп ҳолларда адолат юзага чиқибди, гумонланувчининг айбисизлиги исботланганини ишонилмаган...

Масала юқори минбардан айтилган

Мустақиллик йилларида судлар томонидан чиқарилган оқлов ҳукмлари жуда озчиликини ташкил қилган. Бу барча тергов органлари хатосиз ва жуда сифатли даражада ишляпти, деган хулосани шубҳа остига қўяди.

Буни давлатимиз раҳбари ҳали Ўзбекистон Президентлигига номзодлик вақтидаёқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2016 йил 19 октябрда бўлиб ўтган VIII съездидаги маърузасида таъкидлаб ўтганди.

Айтиш мумкинки, бу масала тадрижий давом этиб келмоқда. Хусусан, "Судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик бўлиши керак". Давлатимиз раҳбари иқтидорга киришган илк кунларида мамлакат суд тизими вакиллари, судьялар олдига ана шундай талабни қўйди.

2017 йил 13 июнда судьялар билан бўлиб ўтган биринчи тарихий учрашу-

вида сўзлаган нутқида суд тизимини фуқароларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган адолат кўрғонига айлантиришдек устувор мақсад ўз

Мисол учун, судга аралашувларнинг олдини олиш учун судьяларнинг ваколат мuddати узайтирилди, маоши кескин оширилди. Уларни лавозимга тайинлаш Судьялар олий кенгашига ўтказилди.

таъйиқларсиз ҳам тутқунликда бир кун, бир соатнинг ўтиши осон эмас.

Энди йиллаб маҳкумлиққа ҳукм қилинганларнинг рутубатини, ўй-кечинmalarини тасаввур қилиб кўраверинг.

Оқлов ҳукми ёки ажрим кимнингдир тақдирини, бир оила, жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди

ифодасини топган.

Айнан шу йили декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам "Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат. Бунинг учун суд ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши лозим", дея таъкидлаганди.

Ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда

Президентимизнинг сиёсий иродаси ўлароқ, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий таъвозулардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, инсон шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Муҳими, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга устувор эътибор қаратилиши натижасида судлар мустақиллиги ва одил судлов соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинди.



Бундан ташқари, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариш институти бекор қилинди ва далилларга баҳо бериш институти такомиллаштирилди. Бу иш бўйича барча ҳолатлар судда ҳар томонлама текширилиб, далилларга ҳолисона баҳо берилиши натижасида оқлов ҳукмлари кўпайишига хизмат қилмоқда.

У оддий ҳужжат эмас

Вақтинча сақлаш ҳибсхонасини, жазони ижро этиш муассасаси бўладими — "курорт" эмас. Зотан, ҳеч қандай

Лекин бундай тақдирга дуч бўлганлар ноқонуний қамалган, айби мақбул далиллар билан исботланмаган бўлса-чи? Маълумки, дастлабки терговда айблов илгари сурилган инсонлар ҳар доим ҳам айбдор эмас.

Ана шундай шахслар кейинги 5-6 йил давомида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар самарасини, унинг ёқимли экинларини ўз танасида ҳис қилмоқда.

Яна бир ҳолат

Айби далиллар билан исботланмаган бўлса-да, жиноий жавобгарликка тортилганлардан яна бири асли қашқадарёлик йигит А.С.

Гумонланувчи сифатида қамоққа олинганда у Самарқанд шаҳар кўп тармоқли оилавий болалар поликлиникасида шифокор бўлиб ишлаган.

Аниқланишича, мазкур иш бўйича судланган Б.Н. 2019 йил март ойи ўрталарида бир фуқаронинг фарзандини А.С. орқали СамДУнинг жисмоний тарбия факультетида ўқишга киритиб қўйишини айтиб, 4000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд

шаҳар судининг 2021 йил 26 февралдаги ҳукмига кўра, А.С. оқланган. Чунки унинг пора бериш ва фирибгарлик жиноятларига алоқаси бўлмаган. Айблов фақат оғзаки кўрсатмаларга асосланган, унинг айби далиллар билан исботланмаган.

Аслида бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилётган ислохотлар самараси натижасида ноҳақ айбланган кўплаб фуқаролар яқинлашиб келаятган янги йилни оиласи бағрида, яқинлари даврасида ёруғ юз билан нишонлаш имконига эга бўлмоқда.

Сўнгсўз ўрнида

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси етти устувор йўналишдаги 100 та устувор мақсадни ўзида мужассам этган бўлса, шундан суд ислохотлари билан боғлиқ бандлар бевосита иккинчи йўналиш доирасида белгиланган.

Демак, тизим фаолияти аввало, инсон тақдирига, барча соҳалар тартиби ва тараққиётига дахлдор масала бўлгани учун судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, ишларни кўришда холислик, адолат ва қонунийликни таъминлаш доимо такомиллашиб бораверади.

Бу эса суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиши таъминлашга, уларнинг шаъни ҳамда қадр-қиммати камситилишига йўл қўймасликка, шунингдек, суд ва тергов органларининг масъулиятини янада кучайтиришга, аҳолининг ҳуқуқни муҳофазаси килувчи органларга ва судга бўлган ишончини ошириш имконини беради.

Толиб БОЙЗОҚОВ, вилоят суди раиси ўринбосари.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида адолатни қарор топтиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди. Бироқ бу соҳадаги муаммолар бутунлай бартараф этилди, дегани эмас. Халқнинг судма-суд юриб, овора бўлиши, тергов жараёнининг сифатсизлиги, суд қарорларининг ўз вақтида ижро этилмай қолаётгани бугуннинг ҳақиқати.

Судларда адолат таъминланади



Бу фикрлар Юртбошимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам бот-бот такрорланди. "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим", дея алоҳида таъкидлади Президент.

Аҳамиятисиз, Мурожаатномада айни муаммоларнинг ечими ҳақида ҳам тўхталинди. Хусусан, давлат раҳбари қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгилаш ишларга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратиш масаласида алоҳида фармон ишлаб чиқилишини маълум қилди. Шунингдек, тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкция бериш ваколати прокурордан судга ўтказилиши, мулк ҳуқуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлиши, судда ишларни кўришда қатнашадиган прокурорлар корпуси шакллантирилиши айтилди.

Президент олдимизга суд-ҳуқуқ тизимини замон талаблари ва халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб, қайта ислох қилиш вазифасини қўйди. Бу жараёнда илғор халқаро тажрибалар ва умумэтироф этилган меъёрларга таянилади. Ва энг асосийси, ҳар бир ислохот неғизда инсон ҳуқуқлари устуворлиги принципи амал қилади.

Нодиржон РАЖАБОВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг раиси.

Деҳқон хўжалиги учун аҳолига ер ажратилади

Вилоятимизда (4882 гектар пахта ва 11277 гектар ғалла майдони) қисқартирилиши белгиланган.

Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 6303 гектар, 2022 йил 10 сентябрдаги "Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, 2270 гектар, жами 8573 гектар майдон қисқартирилди. 2023 йилда 7586 гектар ер майдони ишсиз фуқароларга узоқ муддатга ижара асосида "E-auksion" савдолари орқали берилиши белгиланган.

Бугунгача ҳокимликлар қўшимча захираси билан 9096 гектар ер участкалари бўйича 38074 та лот аукционга чиқариш учун шакллантирилган. "E-auksion" танлов савдолари орқали 8713 гектар ер майдонида

36937 гектар деҳқон хўжалиги ташкил этилди ва иштирокчиларга ўртача 0,24 гектардан тўғри келди ҳамда 81181 та янги иш ўрни яратилди.

Вилоятимиз туманларида "E-auksion" электрон танлови орқали деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ажратилган ер майдонларида 2022 йил ҳосили учун 4660 гектар ерда сабзавот, 165 гектарда полиз, 415 гектарда картошка, 2770 гектарда дуккакли экинлар ва 563 гектар майдонда мойли экинлар жойлаштирилиб, жами 185 минг 68 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилди. Бу маҳсулотларнинг 50950 тоннаси экспортга, 47138 тоннаси қайта ишлашга, 17285 тоннаси захирага, 58359 тоннаси ички истеъмол учун йўналтирилди.

2023 йилда 2670 гектар пахта, 4916 гектар ғалла майдонидан "E-auksion" электрон танлови орқали 25014 лот шакллантирилиб, деҳқон хўжаликлари ташкил этилади ҳамда 57333 нафар аҳоли бандлиги таъминланади.

Ижтимоий дафтардагиларга ер ажратилишини таъминлаш мақсадида "Ёшлар дафтари"дагилар учун 6965 та лот, "Аёллар дафтари"дагиларга 4603 та лот, "Темир дафтар"дагиларга 4762 та лот, хориздан қайтганларга 3630 та лот, талабгор фуқаролар учун 5054 та лот шакллантирилди. 7586 гектар майдонни захирага олиш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда.

2023 йил ҳосили учун 16159 гектар майдонда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилади ва 345 минг 867 тонна маҳсулот етиштирилади.

2023 йилда ҳам 7586 гектар ер майдони ижара ҳуқуқи асосида деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун "E-auksion" савдо платформасига қўйилди. Ер олиб, деҳқончилик қилиш истагида бўлганлар очик электрон танловдан ютиб олишлари мумкин.

Самад САИДОВ, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари.



Пиллани қайта ишловчи иккита корхона фаолият бошлади

Пайариқ тумани Маниобод маҳалласида ипакни қайта ишловчи "Пайариқ ипаги" масъулия-ти чекланган жамияти фаолият бошлади.

Умумий қиймати 1 миллион долларга тенг бўлган мазкур лойиҳа туманда пиллачиликни ривожлантириш ва хомашёни қайта ишлаб, хоризгга экспорт қилиш имкониятларини оширишга қаратилган.

Йилига 75 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга корхонага Хитойдан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда 80 нафарга яқин аҳоли доимий иш билан таъминланди. Корхонада туманда етиштирилган пилла хомашёси қайта ишланиши билан бирга, ипакдан гилам, атлас, адрас ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Ушбу йил ҳосилидан 2 миллион АҚШ долларига яқин экспортни амалга оширган корхона келгуси йилда бу кўрсаткични 2,5 миллион долларга етказишни мақсад қилган. Корхонанинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ва Пайариқ тумани ҳокимликлари, "Ўзбе-

кипаксаноат" уюшмаси раҳбарлари вилоятда пиллачилик ва уни қайта ишлаш тармоғи кенгайиб бораётганини қайд этиб, бунинг натижасида минглаб юртдошларимиз даромад манбаига эга бўлаётганини таъкидлади.

Маълумотларга кўра, 2018



йилда вилоятда 6 та ипакчилик корхонаси фаолият кўрсатган бўлса, эндиликда уларнинг сони 11 тага етди.

Иштихон тумани Кўтарма маҳалласида ҳам "Иштихон silk" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаб, туман пиллакорлари етиштирган ҳосилни шу ернинг ўзида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида вилоятдаги тижорат банклари томонидан 40057 нафар юридик ва жисмоний шахсга 893,7 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди.

Тармоқ ва ҳудудий корхоналар томонидан жорий йилда жами 1545,9 миллион долларлик маҳсулотлар импорт қилинди (2021 йилда 1218,3 миллион доллар).

Импорт таркибида асосан металл буюмлар (291,7 миллион доллар), фармацевтика маҳсулотлари (290,8 миллион доллар), транспорт ва эҳтиёт қисмлари (218,3 миллион доллар), технологик асбоб-ускуналар (195,5 миллион доллар) салмоқли бўлди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 42,6 триллион сўмни ташкил қилди.

Вилоятда барча тоифадаги хўжаликларда 391 минг тонна мева, 664 минг тонна узум, 2 миллион тонна сабзавот, 115 минг тонна полиз ва 350 минг тонна картошка етиштирилди.

Чорва молларининг кўпайиши, янги лойиҳаларни амалга ошириш ва четдан насли қорамол олиб келиниши ҳисобига 328 минг тонна гўшт ва 1,4 миллион тонна сўт ҳамда 1,4 миллион тона сўт тухум ишлаб чиқарилди.

Пахта ва ғалладан қисқартирилган 8,6 минг гектар ер майдони ажратилиши ҳисобига 36769 нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

26,8 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди. Шундан 11,1 минг гектар майдонда томчилатиб, 520 гектарда ёмғирлатиб суғориш тизими жорий этилди ҳамда ерларни лазерли текислаш 15,2 минг гектарни ташкил этди.

Адвокатлик фаолиятига оид вазифалар ижроси нима бўлди?

Президентнинг 2022 йил 28 январдаги фармони билан "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла иили" да амалга оширишга оид Давлат дастури" тасдиқланган эди.



Демак, биз мана шу Давлат дастурининг 2022 йилга мўлжалланган вазифаларни давлат органлари ва давлат идоралари томонидан қай даражада бажарилганини жамоатчилик назоратидан ўтказамиз. Чунки, 2022 йил тугашига санокли кунлар қолди.

Давлат дастурининг 19-мақсади 66-бандида Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасига 2022 йил августига қадар қуйидаги масалаларни (ҳам) кўзда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш юклатилган эди:

- адвокатнинг процессуал мақомини кучайтириш;
- адвокатлик лицензиясини олиш учун юридик мутахассислик бўйича иш стажига оид талабни бекор қилиш;
- олий юридик маълумотли шахсларга 3 ойлик стажировкадан кейин адвокатлик имтиҳонини топириш имкониятини яратиш ҳамда стажировка ўтамасдан адвокатлик лицензиясини олиш учун имтиҳон топиришига рухсат берилган шахслар тоифасини кенгайтириш;
- олий юридик таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида тахсил олаётган битирувчи курс талабаларига ўқишдан беш вақтда адвокат ёрдмчиси сифатида ишлаш ҳуқуқини бериш.

Бундан кўзланган мақсадлардан бири аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш эди.

Муаммо шундаки, юқоридаги ўзгаришларни ва ёш ҳуқуқшунсларга имкон берадиган янгиликларни ифода этган ҳужжатларни (қонун лойиҳаларини) на жамоатчилик муҳокамасида ва на Олий Мажлис йиғилишларида кўрдик.

Саидали МУХТОРАЛИЕВ,
амалиётчи юрист.

Вилоятда қизил тоифадаги мактаблар сони камайди

Бугунги кунда вилоятда жами 1262 та мактаб мавжуд бўлиб, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи, яъни тўплаган ўртача баллига қараб яшил, сариқ, қизил, тўқ қизил мактаблар тоифаларга ажратилади. ДТМ синовларида битирувчилари паст натижа кўрсатган мактаблар тўқ қизил тоифага киритилади.



Жорий йилда вилоятда қизил тоифадаги мактаблар сони 120 тага камайган. 2020-2021 ўқув йилида қизил тоифадаги (ДТМ тест синовларидан 56,7 балдан 79,5 балгача тўплаган) мактаблар сони 804 та бўлса, 2021-2022 ўқув йилида 684 тани ташкил этган.

Сариқ тоифадаги мактаблар (ДТМ синовларида 75,6 балдан 94,4 балгача) сони эса ўтган йилга нисбатан 104 та кўпайган.

Яъни, 2020-2021 ўқув йилида уларнинг сони вилоятда 344 тани ташкил этган бўлса, 2021-2022 ўқув йилида 448 тага етган.

Қувонарлиси, яшил тоифадаги мактаблар (ДТМ синовларида 94,5 балдан юқори балл тўплаган) сони жорий йилда 11 тага ортган. Тахлилларга мурожаат қилсак, 2020-2021 ўқув йилида 27 та мактаб яшил тоифадаги мактаблар рўйхатига киритилган бўлса,

2021-2022 ўқув йилида уларнинг сони 38 тага етган.

Вилоят бўйича тўқ қизил (56,7 балдан паст балл тўплаган) мактаблар сони жорий йилда 67 тани ташкил этмоқда. Ҳозирда қизил ва тўқ қизил тоифадаги мактаблар

сонини камайтириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилда мутахассис ва иккинчи тоифали 8000 нафардан ортик ўқитувчилар "мобил методик гуруҳлар"да олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, шунингдек, олий ҳамда биринчи тоифали ўқитувчилар томонидан ўқитилди. Бундан ташқари, вилоятдаги педагог мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда "мобил методик гуруҳлар"нинг тренерлари кўрсаткичи паст мактабларга бириктирилган. Шунингдек, барча мактабларда абитуриентлар штаблари ташкил этилган. Ушбу штабларда Давлат тест маркази билан ҳамкорликда тест синовлари ташкил этилмоқда.

Бахтигул ҚАРШИЕВА,
вилоят халқ таълими бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

Уюшманинг вилоят бўлимига янги раис сайланди

Хар бир журналист, мухбир, блогер, умуман, ижод аҳли бугунги ахборот тезкорлиги даврида ушбу талабга мос бўлиши керак, албатта.

Кейинги пайтда соҳада кўп йиллик тажрибага эга, фахрий журналистлар тажрибаси, салоҳиятидан фойдаланиш, жойларда улар ишларида учрашувлар, давра суҳбатларини ўтказиш аънанга айланган. Айнан шу каби ишларни Журналистлар уюшмаси ҳудудий бўлими амалга оширмоқда.

Бу фикрлар вилоят Матбуот уйда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлимининг умумий йиғилишида айтилди. Унда уюшма вилоят бўлимининг 2022 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинди.

Самарқанд журналистикаси мактаби, унинг тарихи ва ибрати ҳақида кўп айтилади, дейди уюшма вилоят бўлими бошқаруви аъзоси М.Ибодуллоев. - Бугун ушбу мактаб фаолияти янада жўшқин давом этапти. Жумладан, бу йил қатор халқаро ва давлат аҳамиятига эга тадбирлар майдонига айланган Самарқандда журналист ва блогерларнинг ўрни ажқол кўринди. Улар барча тадбирларни ёритишда фаол бўлди. Бу ишларда албатта, Журналистлар уюшмасининг ўрни катта. Бўлим фаолияти сарҳисоб қилинаркан, мана шу жиҳатларнинг ўзи уюшма йил давомида қандай ишлаганини кўрсатади.



Ийгилишда ташкилий масала кўрилди. "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири ўринбосари - Zargnews.uz веб-сайти муҳаррири **Акрам Ҳайдаров Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими раиси вазифасини бажарувчи** этиб сайланди.

Ийгилиш якунида бўлим фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ҳусан ЭЛТОЕВ.

Ғоялардан кўнглим тўлди

Хар гал давлатимиз раҳбарининг Парламентга, Ўзбекистон аҳолисига мурожаатини эшитганимда гўё бу гаплар менга, оиламга, атрофимдаги оғайнимларимга айтилгандек туюлаверади. Чунки бу талабларнинг, лойиҳаларнинг аксарияти кўнглимизда орзу сифатида бўлади. Шунинг учун бўлса керак, ҳамиша ушбу муҳим ҳужжат моҳиятини англашни ўзимдан ва яқинларимдан бошлайман.

Қариялар ҳаёти - жамият кўзгуси, деб бежиз айтишмайди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган хар бир ислохот албатта, бизнинг ҳаётимизга тегишли: ё турмушимизни, оғиримизни енгилаштиради ёки фарзандлар олдидаги масъулиятимизни кучайтиради. Одилона айтиш керакки, Ўзбекистоннинг бугунги муносивлари жаҳондаги энг бахтиёр инсонлар тоифасидан. Мен нафақат ўзимизга, балки биз суянадиган фарзандларимизга, набираларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликларни ҳам назарда тутаяман.



Ғояларини эшитиб, кўнглим янада тўқ бўлди: демак, янги йилда ҳам инсоннинг қадрини охирилади, нурунийлар меҳрга қўршади, ёшларимизга эса парвоз қилишлари учун янги имконият яратилади. Ана шундай эзгуликларга тўла Янги йилимиз муборак бўлсин.

Облоқул УСМОНҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Журналистларнинг байрамдаги қутилмаган ҳолатлари

Янги йил болаликдаги орзулар, Қорбобо совғасига мўъжизалар қутиш билан сеvimли байрамимизга айланган. Нафақат болалар, катталар учун ҳам бу байрам ўзига хос завқли, болаликка қайтишдир. Вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимларнинг баъзиларидан янги йилдаги "саргузашт"лари ҳақида сўраб олдик.


АККОРДЕОН КЎТАРА ОЛМАГАНМАН
Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Зарафшон" газетаси мухбири:
- Болалигимда Янги йил умуман бошқача бўларди, ҳозиргидек кўчаларда чироқлар йўқ эди, телефон, "колонка", мусика, ёриткич чироқлар қаёқда дейсиз. Хар бир гузар ўзи нишонлар эди. Кўчада баллон ёқардик. Мусика кўйилмас, ўзимиз қўшиқ куйлардик. Кимдир рубоб, яна кимдир дутор, айримлар аккордеон, доира чаларди. Инсонлар самимий эди.

Эсимда, қайси бир йили Янги йил куни тизза бўйи қор ёққанди. 8 ёш эдим, отам танишиникига аккордеон олиб кел, деб юборди. Аккордеонни олдинг-у, аммо уни кўтара олмадик. Нойлоқ, қорда сударшага тўғри келди. Қишлоқдаги йўлларимиз пастдан тепага қараб чиқиш керак эди. Йўлнинг ярмига келганда, тепаликка чиқа олмай, пастга думалаб кетдим, аккордеонни уйга олиб келгунча бир неча маротаба қорга йиқилдим. Лекин қанча қийналмай, отамга аккордеонни олиб келиб бергандим. Қўлларига топиригча, уйга кириб ётдим, чунки жуда совуққотган, ваража қийлаётгандим. Янги йилнинг кириш вақтида ухлаб қолибман. Байрамдан сўнг бир ҳафта касал бўлиб ётгандим.

КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ
Ёрматат РУСТАМОВ,
"Самарқандский вестник" газетаси мухбири:

- Байрам арафасида телевидениеда хар галгидек иш қизигин. Раҳбарият топиригига кўра, "Хабарлар" тахририяти ходимлари уч гуруҳга бўлиниб, янги йилга алоҳида ноанъанавий кўрсатув тайёрлашимиз керак эди. Бизнинг гуруҳимиз келишувга кўра, Чўпонота қирларига чиқди. Сценарий бўйича, Қорбобо баланд тепаликдан машинада Қорқиз билан бирга тушиб келиши, йўлда унинг машиниса бузилиб, тўхтаб қолиши керак. Сўнгра Қорқиз машинадан тушиб, уни итариши лозим. Қорбобо родини қамини, Қорқиз родини Гулчехра Бердиевона бажарганимиз. Сценарий бўйича кўрсатувни олаётганимизда Қорқиз машинани итираётганда, қора "Нексия" тўхтаб, бир киши "Ёрдам керак эмасми, бензин тугадими?", деб қолса бўлади.

Мен унга вазиятни, бу телевизион сценарий эканлигини тушундирдим.
- Мени танимадинглар шекилли?
- Йўқ, танимай турибмиз...
- Мухридин Холиқовман.



қижолат бўлганман. Байрам яқинлашса, ўша воқеа эсимга тушаверади.

УЙДА ЁЛГИЗ
Дилмурод ТЎХТАЕВ,
"Зарафшон" газетаси мухбири:

- Уша йиллари Қорбобо кийимини топиш қийин эди. Янги йил куни Қорбобо бўлишига тўғри келди. Уйдаги эски телпақ, астари сариқ рангли чопоннинг тескари томонини қийиб, белимга белбоб тақдим, пахтадан соқиб ясади, халтага совғаларни солиб, кундуз куни қариндошларимизга бордим. Байрам зўр бўлганми, ишқилиб, уйга келиб, ухлаб қолибман. Кеч бўлганда уйғондим, қарасам, уйда ҳеч ким йўқ, ҳамма опамларникига кетган. Биз Янги йилни опамларникида қутишга келишиб олгандик. Ушим ният қилгандим соат 12.00 ларга опамларникига Қорбобо бўлиб кириб бораман деб. Телпагим, чопонимни кийиб, соқолини тақдим, халтага жианларимга қанд-курс, совғалар солиб, йўлга отландим. Опам биздан анча олиса яшарди, йўлнинг ярмини кесиб бўлгандим, соат миллари 23.30 ли кўрсатар, байрам киришигача улгурар эканман, деб кетавердим. Тўсатдан йўлимдан бир гала кучуқ чиқиб қолди, мени қувиб кетди, йўлни ўртасидан, нима қиларимни билмайман, халтамни ҳам ташлаб, уйим томон қочиб келдим. Ушанда опамлар Қорбобони роса қутишган. Лекин Қорбобо бора олмаган.

АЙБСИЗ АЙБДОР БЎЛГАНДИМ
Акрам ҲАЙДАРОВ,
Zargnews.uz сайти муҳаррири:

- Бу воқеага 20 йил бўлиб қолди. Уйда болалар билан қизгин байрам ўтказилаётганди. Тоза ҳаводан нафас олиш ҳамда сигарет чекиш учун "дом" ҳовлисига чиқдик. Уриндикда бир рус нуруний онахон ўтирганди. Сигаретни чекиб бўлиб, қолдигини пастга ташлашимни биламан, юқоридан кимдир пақилдоқ ташлади. Буни қаранки, иккаласи бир жойга тушиб, пақилладди. Онахон баланд овоздан чўчиб тушди-да, уни мен ташлаган деб ўйлади. "Болам, кап-катта бўлсанг, пақилдоқ ташлашга уялмайсанми?", деб дакки берди. Узимни оқлаш учун ҳеч нарса гапиролмаганман. Онахоннинг олдиди роса

Халқимиз азалдан оилага муқаддас бир даргоҳ сифатида қараган. Шарқда оила кичик бир Ватан тимсолида эъзозланган. Миллат келажаги бўлиши ёш авлоднинг, буюк даҳолар мутафаккирлар, йирик давлат арбобларининг ҳам айнан оилада камол топиши, тарбияланиши оила муқаддаслигининг исботидир.

Каттақўрғонликлар Оила низомини тузиш ташаббуси билан чиқди

Агар оилада муайян тартиб-қоида бўлмаса ёки унга амал қилинмаса, оилавий муносабатларга дарз кетиши мумкин. Оилалардаги мувоzanатнинг бузилиши нафақат оиланинг барбод бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Каттақўрғон шаҳар ҳокими ташаббуси билан Каттақўрғон тажрибаси сифатида оилалардаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этадиган Оила низоми лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда бугунги ўзбек оилаларида амал қилиниши зарур бўлган қадриятлар, тартиб-қоидалар, бурч ва масъулият ўрин олган.

- Оила низоми тузиш бугунги жамият учун жуда муҳим, фаоллар шундай ҳулосага келдик ҳамда университет ўқитувчилари, шаҳардаги фаол отахон, онахонлар томонидан мазкур лойиҳа ишлаб чиқилди, - дейди Каттақўрғон шаҳар ҳокими Гавҳар Алимова. - Хар бир оилада тартиб ва интизом бўлиши, оила аъзолари ўз бурч ва мажбуриятларини чуқур ҳис қилиши, унга амал қилиши лозим. Бугун айрим оилалардаги ўзаро келишмовчиликлар ажримларга эр ва хотиннинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билмаслиги ёки унга амал қилмаслиги, оила бошлиқларининг масъулиятни ҳис этмаслиги, оилага бошқа шахслар аралашуви, орият деган тушунчага эътиборсизлик, аёлларнинг тарбия борасида хатоликларга йўл қўяётгани каби бир қатор омиллар сабаб бўлмоқда. Ёшлар турмуш қуришидан олдин оилаларнинг бир-бирига мослиги ўрганилиши, сўраб-суриштирилиши бежиз эмас.

Шунинг учун хар бир хонадонда оилани мустаҳкамловчи, эрининг, отанинг ўрнини билдирувчи, аёлнинг рафиқалик, оналик, қайноналик масъулиятини ҳис қилдириб турадиган, фарзандларнинг бурч ва мажбуриятлари акс этган тавсиялардан иборат бўлган "Оиланинг намунавий низоми" бўлиши керак. Билдирилган тақлиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб ишлаб чиқилган "Оиланинг намунавий низоми" лойиҳаси ибратли оилалар, узоқ йиллик ҳаётий тажрибага эга бўлган онахон, отахонлар эътиборига ҳавола этилади ва уларнинг тақлифлари олинади.

Муниса ШАМСИЕВА ёзиб олди.


**ПАСТ ДАРҶОМ ТУМАНИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
БЎЛИМИ ЖАМОАСИ**

*жаннатмакон
юртимиз фарзандлари
ва барча ҳамкасбларини
Янги йил билан
табриклайди.*



2023 йил

**ЁШЛАР ИШЛАРИ
АГЕНТЛИГИ САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ
ЖАМОАСИ**



**азиз юртдошларимизни,
шу жумладан, келажакимиз
пойдевори бўлмиш
барча ёшларни
янги – 2023 йил
билан қутлайди.**

Пахтачининг зиёли фарзанди

✓ Тўйхат ўрнида

Пахтачиликлар Азамат муаллимни билимли ва ташаббускор раҳбар сифатида яхши билишади. Унинг ташкилотчилигида амалга оширилган ишлар ҳамқишлоқлари ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. Чунки қаерда ва қайси вазифада ишлагани, албатта, муҳтожларга ёрдам қилини чўзиб келган.

Азамат Тўрақулов 1953 йилнинг 2 январиди тумандаги Қайишфуруш қишлоғида туғилди. 1958 йилда 35-мактабнинг биринчи синфига ўқишга бориб, 1966 йилда 8-синфини битиргач, Зиёвуддин шаҳарчасидаги 22-мактабда ўрта маълумот олди. 1968 йилда Самарқанд озиқ-овқат техникумини битириб, иш фаолиятини туман нон комбинатидида ишчиликдан бошлади.

1973 йилда ҳарбий хизматдан қайтгач, 32-мактабда тарих ва ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлиб ишлаш билан бирга, Самарқанд давлат университетининг тарих факультетидида сиртдан ўқиди. Иш жараёнида мактабда фуқаро муҳофафаси ва бошланғич ҳарбий таълим хоналарини ташкил этди. Унинг ўқувчилари бир неча бор ўқувчи-ёшлар ўртасидаги вилоят мусобақала-

рида фахрли ўринларни эгаллаб, ҳарбий таълим бўйича республика мусобақаларида иштирок этди. Мактабга ташриф буюрган Туркистон ҳарбий округи кўмондонлиги вакиллари Азамат Тўрақуловни ҳарбий таълим бўйича туман халқ таълими бўлими методистлигига тавсия этди.

Ёш ўқитувчи бўлимда ҳам изланувчан ва тиришқоқлигини намоян этди. Туман мактаблари зарур ўқув воситалари билан таъминланди.

1986 йил охирида А.Тўрақулов тумандаги 33-мактабга директор этиб тайинланди. Янгиланган мактабга директор этиб ташаббуси билан мактабдаги иситиш тизимлари таъмирланди. Орадан бир йил ўтиб, хўжалик раиси, Меҳнат Қаҳрамони Ш.Назаров ташаббуси билан янги мактаб биноси пойдевори қўйилди. Мактаб ҳудудидида 2000 ўринли стадион, волейбол ва баскетбол майдон-



лари, фаоллар зали, жанговар ТИР, иссиқхона қурилди. Мактабга замонавий компьютерлар олиб келинди, археология музейи ташкил этилди. 464 ўринга мўлжалланган мазкур муассасада ўқувчилар лингфондан фойдаланадиган, ҳар бир фан учун мўлжалланган хоналарда кабинетга кўчиб ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Мактабда фан, мусиқа ва рақс тўғрисидаги иш бошланди, фольклор этнографик жамоа шаклланди. Мактаб ўқувчилари "Яшил чирик" мусобақасининг республика босқичида иккинчи ўринни эгаллади. Бунда эса, албатта, мактаб директори А.Тўрақуловнинг хизматлари

катта бўлди.

Туман халқ таълими бўлими раҳбарияти ундаги ташаббускорлик ва изланувчанликни ҳисобга олиб, 2003 йилда тумандаги энг йирик - 32-умумий ўрта таълим мактабига директор этиб тайинланди. Устоз А.Тўрақулов раҳбарлигида минг нафардан кўпроқ ўқувчиларга эга

мактабда кўплаб эзгу ишларга қўл урилди. 2005 йилда мактаб капитал таъмирланиб, тўлиғича янги жиҳозларга эга бўлди, тарих ва математика фанларини чуқур ўргатиш йўлга қўйилди.

Таълим фидойиси 2014 йилда нафақага чиққан бўлса-да, шогирдлари, ҳамкасблари билан алоқани узмади. Маҳалла ва мактабларда ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

А.Тўрақулов ишбилармон раҳбар бўлиши билан бирга, меҳрибон оила сардори ҳам саналади. Турмуш ўртоғи Р.Эргашева билан беш ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказди. Уларнинг бири ота изидан борган бўлса, қолганлари тадбиркор, фермер хўжалиги раиси сифатида элга хизмат қилмоқда.

Бугун ўзининг табарруқ 70 ёшини қарши олаётган Азамат Тўрақуловни самимий табриклаб, у кишига сийҳат-саломатлик ва узок умр тилаймиз.

**Азим ОЧИЛОВ,
фахрий ўқитувчи.
Иззатулла НОРҚУВВАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
аъзоси.**

Зўравонлик учун жавобгарлик бор

Янги йил байрамини оилавий нишонлаш бизда ҳам анъанага айланган, жуда кўпчилик оилалар шу куни хуш-хурсандчилик ила меҳмон қақиради, дастурхон безайди. Афсуски, байрам баҳона баъзи хонадон аъзоларининг ўзларига ҳаддан ташқари эрк беришлари, спиртли ичимликни меъридан ортиқ истеъмол қилишлари нохуш оқибатларга олиб келади.

Оиладаги зўравонлик бугун эътиборсиз қолдирилмаган ҳолат эмас. Мамлакатимизда оилавий зўравонликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида 2019 йилда "Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун қўйилган.

Оилавий зўравонлик ўзи нима? Бу оила аъзосининг бошқа аъзоларига (хотин, ота-она, болалар ва бошқалар) нисбатан амалга оширилган зўравонлик ҳаракати (ҳаракатсизлиги)дир. Статистик маълумотларга кўра, аксарият ҳолларда оилавий зўравонликдан хотин-қизлар жабр кўради.

Хотин-қизларга нисбатан таъйик

ва зўравонлик ҳолатлари содир этилганда, аввал яқка тартибда профилактика суҳбатини ўтказиб, ҳимоя ордери берилди. Зарур бўлса, таъйик ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларга жойлаштирилади. Зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш белгиланган.

Оиласи ва аτροφдагилар томонидан таъйикча учраган хотин-қизларга тегишли низомига кўра, зўравонликка учраган фуқарога ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика инспектори томонидан 24 соат ичида ҳимоя ордери берилди. Бунинг учун жабр кўрган аёл ёки бу ҳақида хабардор бўлган учинчи шахс яшаш ҳудудидида хуқуқ-тартибот органларига ариза билан мурожаат қилади. Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатга берилди ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайдан

этиборан қўчга қиради. 30 кунлик муддат учун берилмаган ҳужжат шахс томонидан яна тан жароҳати етказилса, фуқарога нисбатан жиноят иши очилади. Хавф-хатар ҳали барқарор қилинмагани аниқланса, ҳимоя ордери муддати узайтирилиши мумкин.

Байрам арафасида ўзингиз ва яқинларингизни турли нохушликлардан ҳимоя қилинг. Бир-икки кунлик байрам дея кўнгилхираллик юз беришига йўл қўйманг.

**Дилмурод НАРЗИЕВ,
вилояти ИИБ терговчиси.**

Халқаро VR&AR технологияси тадбиркорга қанчалик муҳим?

Инновацион ривожланиш ва зирлиги томонидан тадбиркорларимизнинг маҳсулотларини тез ва ишончли танитиш, савдо айланмасини ошириш, экспорт имкониятини кенгайтириш ҳамда VR&AR технологияларига асосланган халқаро маркетинг платформасини яратиш лойиҳаси молиялаштирилмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида энг сўнгги замонавий технологиялар асосидаги халқаро маркетинг платформаси ишлаб чиқилиб, тўқимачилик ва энгил саноат, IT-технологиялари, машинасозлик ва бошқа янги технологияларда қўлланилади. Бу лойиҳа жаҳондаги глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади.

Лойиҳа тадбиркорларимиз учун мулоқо янги ҳимоятларни таклиф қилади. Таҳлиллар шунинг кўрсатмоқдаки, бугунги кунда маҳаллий тадбиркорларнинг маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга намойиш этишда VR&AR технологияларидан фойдаланилган замонавий платформа мавжуд эмас. Мазкур дастурий маҳсулот



нафақат "Ургут" эркин иқтисодий зонасидаги тадбиркорларнинг, балки мамлакатимиздаги бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини ҳам жаҳон бозорига VR&AR технологияларига асосланган халқаро маркетинг платформаси орқали тақдим этиш имкониятини яратади.

Мазкур лойиҳа мамлакатимиз рақамли иқтисодиёти, тадбиркорлиқни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва сотишда замонавий визуал технологияларни жорий қилишда муҳим роль ўйнайди.

**Алишер НОРБОВЕВ,
вилоят инновацион ривожланиш
ҳудудий бошқармаси бошлиғи.**

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳридаги "BUNYODKOR SANTEXNIKA" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304736820) ўз устав фондини 198 939 000 (бир юз тўқсон саккиз миллион тўққиз юз ўттиз тўққиз минг) сўмдан 94 949 000 (тўқсон тўрт миллион тўққиз юз қирқ тўққиз минг) сўм камайтириб, 103 990 000 (бир юз уч миллион тўққиз юз тўқсон минг) сўм этиб белгиламоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри М.Ҳайдаров кўчаси, 26-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Нажимов Журрахонга (2021 йил 4 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Муртазаев Улуғбек Раббимович нотариал идорасида марҳум Ризаева Узрога (2022 йил 12 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муртазаев Улуғбек Раббимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Орзу Маҳмудов кўчаси, 12-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд шаҳар ҳокимининг уй-жойларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва алмаштириш бошқармасидан 1993 йил 24 июлда Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 65-уй, 5-хонадоннинг Плеханова Натальяга тегишли эканлигини тасдиқловчи 9433 рақамли давлат далолатномасининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Фуқаро Муҳидинов Мухаммаджонга қарашли Самарқанд тумани "Ўрта Арабхона" МФЙ, Жалолдин Румий кўчаси, 188-уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Умрининг баҳори – йигитликдаёқ дарвешликни, “фақр тарийқи”ни ихтиёр этиш Алишер Навоийнинг улкан орзуси бўлган. Бу ҳақда шоирнинг Саййид Ҳасан Ардашерга Самарқанддан ёки Самарқандга кетиш олдидан Ҳиротда ёзган шеърий мактубидаги далилларга таяниб, олимларимиз муҳим мулоҳазаларни баён этганлар. Аслида улуг мутафаккир ҳар бир инсонга умрнинг баҳоридаёқ ўз нафси ҳақида кўпроқ ўйлашни тавсия қилар экан, мақсадга эришмоқликнинг энг мақбул йўли – “фақр тарийқи”, яъни дунёга меҳр қўймаслик, дея аниқлаган.

Алишер Навоийнинг йигитликдаёқ “фақр тарийқи”га киришга қаттиқ аҳд қилганлиги унинг ўн етти байтлик маснавий: Саййид Ҳасанга – Самарқандга кетиш сабабларини тушунтириб ёзилган шеърий мактубида ўз ифодасини топган. Бу мактубни Навоий ўзининг “Вақфия” асари сўнгидея жойлаштирган. Шоирнинг ХХ томлик мукамал асарлари тўпламида эса бу мактуб 3-том, “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан жой олган.

*Ҳамул авлоки дафъ айлаб аламни,
Тажарруд кўйида қўйсам қадамни.
Фано кунжини мужжини супурсам,
Ҳамул мужгон сиришқидан сув урсам.*

Бу парчада “Мен аламинни ичимга ютиб, тажарруд, яъни ёлғизлик сари кетишни мақсад қилдим. Ёлғизлик инсон сийратидеяги улуг ва муқаддас йўл. Уни кечиб ўтмагунча инсонларга ҳамдардик қилишнинг илоҳи йўқ. Ёлғизликни бошидан кечирган кишиларгина меҳрли, ўзи ва ўзгалар хусусида мустақил мушоҳада юритишга қодирдир”, мазмунидаги фикрлар ифода этилган.

Алишер Навоий ёшлигиданок, ҳали Абулқосим Бобур Мирзо билан Машҳадга кетмасданок, Ҳиротда жуда нуфузли алломалардан бири бўлган, отаси ва ўзи Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қилишган, диний мутаассибликдан озод, ҳурфикрли бўлгани учун “дарвеш” дея ном олган Саййид Ҳасан Ардашер билан таниш эди. Ардашер хонадонидея бўладиган шеърхонликлар, маърифий суҳбатларда жуда ёш бўлса-де, иштирок этар эди. Ардашер ҳам уни фарзанд ўрнида кўрар, ёш шоирнинг шеърларини ёд олиб, овозини гоҳ баланд, гоҳ паст қилиб, давраларда ўқиб берар эди. У Навоийнинг отасидан кейин Ҳиротдаги отахони ва ҳомийси эди. Бу машҳур шахс вафотидан кейин Навоий унга атаб “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” номли асар ёзди.

“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да қайд қилинишича, Алишер Навоий 1455-1456 йилда Ҳиротда Саййид Ҳасан билан танишади. Алишернинг 14-15 ёшларида бошланган самимий ва садоқатли бу дўстлик Саййид Ҳасан ҳаётининг ниҳоясига қадар давом этган. Улар ўртасидаги муносабат устозу шоғирдликдан ота ва ўғиллик мақомига кўтарилган. Чин дўстлик жуда камдан-кам кишиларга насиб этадиган ноёб инсоний гўзаллик ҳисобланади. Алишер Навоий олий бир меҳрибонлик намунаси бўлган бу дўстлик ҳақида шундай ёзади: “Алар тариқ ва равиши бу фақирни андоқ шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматиға етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди ва алар ҳам келиб аҳвол сўрарлар эрди: “ташвише бўлмамиш бўлғайким, бу-кун сендин хабар топа олмадук”.

Саййид Ҳасанни “яхши ва ямон аҳли замон қошида азизу муқаррам ва муҳтарам” этган хусусиятларидан бири эканлигини Алишер Навоий алоҳида қайд қилади: “бу хуш ахлоқли инсоннинг юзи тоза гулдан нишон беради”.

Алишер Навоий талқинида, Саййид Ҳасаннинг кўнглида, қутлуғ зотида, жисми таркибидеяги унсурларда поклик бор. Шунинг учун ҳам унинг дарвозасидан беваё бечораларнинг фарзандлари ҳам, амирзодаю улғузодлар ҳам ҳеч бир хижолатсиз, ташвиш-тараддудсиз кириб келадилар. Ва, пок инсон суҳбатини ўзлари учун ғанимат, деб биладилар. Шоир ва фозиллар, дарвешу риндлар, созандаю хонандалар энг яқин, жондан азия кишиларнинг дийдорини кўмсагандек, Саййид Ҳасан хузурига ошиқадилар. Чунки Ҳақнинг назари тушган, илоҳий марҳаматдан баҳраманд инсоннинг эшигидан одамларнинг қадами аримайди.

Бундан ташқари, Саййид Ҳасан ниҳоятда саҳий зот. Ҳақ субҳонаху ва таоло асли яратилишда хос бандаларига шундай лаёқатни ато этади. Уларнинг назарларини тўқ қилиб қўяди. Одамлардан ўзига қилинган озгина инъом кўп, ўзининг бошқаларга қилган ҳадисиз-ҳисобсиз эҳсонлари эса бағри кенглиги боис назарига аримас бўлиб кўринади. Саййид Ҳасан ана шундай саховат соҳиби эди.

“Саҳои зотий” Саййид Ҳасан ҳаётининг йигитлик давридаёқ намоён бўлган туғма фазилатларидан бири эди. Саййид Ҳасан йигитлик йилларида сарой хизматида узоқлашмиш мақсадида риндлик, яъни ҳурфикрлик маслагини ихтиёр этган. “Бойсунғур Мирзонинг ўғлонлари – Алоуддава Мирзо ва Султон Муҳаммад Мирзо ва Бобур Мирзо бир-биридан сўнгра кетма-кет тахтага ўлтурбдурлар, ҳар қайсида Саййид Ҳасан ҳазратларига катта эътибор ва эҳтиром кўргузбдурлар. Саййид Ҳасан эса бундай илтифотлардан бағоят хижолат бўлар эрканлар. Ва, шохлар илтифотлари ҳаддин ўтгандан сўнгра... ўзлари риндликқа – май ичмакка ва лавандашилларга ва ошиқпешалиқларга солибдурлар”. Ринд ўз манманлигини, қалбидеяги бойлик ва мансаб орзу-вахасини таг-туғи билан сўғуриб ташлаган тупроқсифат инсондир. Изаатталаблик, обрўпарастлик истакларига қарши кучли исёнди. Аммо Саййид Ҳасан риндлар баъзида иштирок этса-де, бирор кун тоат-ибодатни қанда қилмаган. Ҳеч қачон ичкиликка мағлуб бўлиб қолмаган. Аксинча, унинг ҳар бир ҳаракати ҳикматга мувофиқ келган.

Алишер Навоий отахони Саййид Ҳасанни риндликдан халос бўлиши учун Худодан нажот, мадад тилаб муножотлар қилган, Ҳақдан “тавба ва тавфиқ” саодатини муяссар



Навоий

НАЗДИДАГИ КОМИЛ ИНСОНЛАРДАН БИРИ

айлашни илтижолар билан сўраган. Саййид Ҳасаннинг ўзи ҳам табарруқ мазорларга бориб, дарвешлар ва авлиёуллоҳлар мажлисларига етиб, бу дарддан кутулиши учун улардан фотиҳалар сўраган.

Саййид Ҳасанни туғма дарвеш, илоҳиёт фойиysi деб таърифлаган Алишер Навоий унда Шайх Мавлоно Муҳаммад Табодгоний хонақосига келгунга қадар комил инсонга хос қатор фазилатлар мавжуд эканлигига эътиборни тортади. Саййид Ҳасанда муомала маданияти, одамгарчилик ҳисси бенҳоя баланд бўлган. Йигитлик даврида риндлар кечаю кундуз унинг уйдан чиқмаган. Меъзон уларнинг баъзи, “ишрат ва иншооти” учун зарур бўлган барча керакли незматларни, асбоб-анжомларни муҳайё қилган. Кечқурун мажлис аҳли одатига кўра риндлар сархуш бўлган, ухлашга ҳозирлик кўрилган. Саййид Ҳасан уйку олдидан меҳмонларнинг ҳар бирига алоҳида ғамхўрлик кўрсатган. Уларнинг мулозимлари борларини хизматкорларига топширган. Хизматчилари йўқ, уй-жойсизларига кўрпа-тўшак солдириб, бошлари остига юмшоқ болишлар, олдларига кўзада сувлар қўйдирган. Баъзиларининг оёқ кийимларини, саллалари ва рўмолларини, хусусан, рўмол учида амонат тутилган бўлса, уларни ишонарли ҳодимларига топшириб, саришта-саранжом қилган, хуфтон намозини адо қилиб, ўз ҳужрасида осойишга машғул бўлган.

Ҳожа Аҳрор Вали айтганлар: “Тўрт нарса улғуликка даллат қилур: илини азиз тутмоқ ва ёмонни яхшилик билан даф қилмоқ ва аччиғи (ғазоби)ни ютмоқ ва жавобни савол бирла бермоқ”. Айни шу ҳикмат ҳақиқати Саййид Ҳасан Ардашер шахсида мужассас эди.

Алишер Навоий Саййид Ҳасаннинг яқка-ю ёлғиз фарзанди – Саййид Муҳаммад ҳақида ҳам маълумот беради. У Саййид Муҳаммаднинг “адабу тавозуъ ва хилму ҳаё тариқидея” отага муносиб ўғил эканлигини таъкидлайди. Саййид Муҳаммад – сурати хуш, сийрати дилқаш, истеъдодли ва илмли, “Ҳирот халқининг ўз таврида яғонаси ва нодираси”. Афсуски, у тақдир ҳукми билан ўн тўрт ёшида оламдан ўтади. Азиз фарзандини сўнгги йўлга кузатиш кунида эса эғнига янги тўн кийиб, бошига янги султани ўраган Саййид Ҳасан қайғу зўридан аччиқ кўз ёши тўкаётган азадорларни, хусусан, Алишер Навоийни тинчлантиришга, насихатлар қилиб мотам тутганларнинг беором кўнгилларини таскин топтиришга ҳаракат қилади. Эл марҳумини қабристонга, Алишер Навоий тайёрлаган хилхонага элтадилар. Саййид Ҳасаннинг ўзи суннат қоидадига мувофиқ мақбара ичига тушиб, фарзанди аржумандни шариат расми билан охирад ерига қўйиб, Худога топшириб, марҳумнинг билиб-билмай қилган гуноҳларини Аллоҳнинг кечириши учун дуолар қилиб чиқади. Аммо бу мусибатли воқеадан ҳолатида ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди. Бу вазиятни кўрган дарвешларни, тобутни кўтариб мазористонга борган Ҳиротнинг улуг ва эътиборли кишиларини ҳайрат лол қилиб, таажжуб беҳол қилади. Қамолотнинг бундай олий мақомига эришган инсон Расулulloҳнинг (с.а.в.) ўрн ҳадисларида айтилганидек: “Мусибатнинг ёки етган бирор хасталик ёки ранжитувчи воқеани ҳам Аллоҳнинг бир икромидея эканини англайди”.

Алишер Навоий таъкидиче, Саййид Ҳасаннинг туғма хислатларидан яна бири – тақаллуфсизлик. Унинг кийим кийиш одоби ҳам табиатида чуқур илдиз отган, ана шу табиий, ички хусусиятидан келиб чиқади: “Яна бири: зотий бетакаллуфлуқким, филвоқеъ алар қошида ипак била палос орасида тавофут бўлмағай, балки мутақаллаф либослар макруҳ кўрунғай ва дарвешона киймаклик мулоиймоқроқ бўлғай”.

Дарвеш кийиниши, безакни севмайди. У кийимни хусн, чирой учун эмас, ёзининг иссиғи, қишининг совуғидан муҳофазаланиш зарурати юзасидан кияди. Унинг учун кийимнинг қиммати эмас, ҳалол меҳнат эвазига келганлиги, эски бўлса-де тоза ҳамда бежиримлиги, поклиги (“ариф”) аҳамиятли. Дарвеш учун турли-турли, ранг-баранг кийиш, ипак ва зарбафатга ўраниш ҳаром (“макруҳ”).

Алишер Навоийнинг “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”даги талқинларидан аён бўладики, ҳур фикрли, руҳан озод инсон юртга раҳнамолик қилса, мамлакатда инсофу диённат, адолат қарор топади. Зеро, Аллоҳни таниган, ўзини билган, ўзи мансуб бўлган миллатнинг маънавий маданияти, фалсафий дунёқарашини ўз вужудиға сингдирган инсон халқ дардини, ҳис-туйғуларини теран англайди. Саййид Ҳасан ана шундай халқпарвар, юртсевар киши эканлигини Султон Ҳусайн Бойқаро саройида маслаҳатчи лавозимида ишлаган даврида намоён қилади. Саййид Ҳасандан мамлакат подшоҳидан тортиб шу ҳукмдор қаламравидаги халқнинг барча тоифаларига қадар мамнун, рози бўлган. Унинг эзгу ишларини яхшилик билан эслаб, тилларидан тунтиришмаган.

Саййид Ҳасанга қаттиқ ихлос қўйган, кўнглиға “аларнинг мулозамати” хуш келган Ҳусайн Бойқаро уни давлатнинг энг олий мансабига – вазирликка тайинламоқчи бўлади: “Хуросон мулкининг куллий ихтиёрин подшоҳ аларнинг соиб райига ва тадбири мулк оройиға вобаста қилғудек эрди”. Саййид Ҳасан шохнинг таклифини қабул қилмайди ва ҳатто давлат хизматидан бутунлай озод қилинишини сўраб, Ҳусайн Бойқарога арз қилади. Алишер Навоий улуг инсоннинг саройдан кетиш ҳақидаги қарорига асосий сабаб қилиб унинг табиатидаги зотий фақру фаноға мойиллиқни, эндиликда ўша руҳий таважжух, шавқ қалбда туғён қилиб, асл мақсад сари етаклаётганлигини кўрсатади.

Саййид Ҳасан Ардашернинг сарой хизматидан бўшаш ҳақидаги фикрини Ҳусайн Бойқаро рад этади. Шох олдидея рухсат сўраб қилинган барча уринишлар, ялиниш, ёлворнишлар беҳуда кетади. Султон ўз фикрида қатъий туради. Саййид Ҳасандай халол инсонни саройдан четлаштиргиси, кўлдан чиқаргиси келмайди.

Аммо Саййид Ҳасан сарой хизматини тарк этади ва шохнинг кўнгли учун яна икки йил оддий аскар сифатида кўшида хизмат қилади. У ўз вужудини сафар машаққатлари гирдобига ташлайди. Шу икки йил ичидея машоҳам бўлмайди, давлатнинг аскар ва амалдорларга белгилаб қўйилган бошқа имтиёзларидан ҳам мутлақо фойдаланмайди. Дарвешона рафтор-равиш билан хизматни бажаришда давом этади.

Бир кунди Ҳиротнинг бир машҳур муршиди қомили даргоҳиға борган Навоий ундан устози Саййид Ҳасаннинг аҳволини сўрайди. Мавлоно Муҳаммад Табодгоний дастлабки чилладаёқ Саййид Ҳасан Ардашернинг юксак руҳий-маънавий мақомга эришганлигини сўфиёна истилоҳлар, далилу аломатлар билан изоҳлаб беради. Ибодату риёзатнинг натижаси, фойдасидан баҳраманд бўлган Саййид Ҳасан хурсандлигидан йиғлайди: “Бу фақир (Алишер Навоий) аларнинг хилватлари эшигига бордим: ғариб ҳой-

ҳой йиғламоқда эрдилар, ҳеч нима дей олмадим ва мутаассир бўлиб, йиғлаб қайтдим”.

Мавлоно Муҳаммад Табодгоний хонақоси Алишер Навоийнинг яшаш манзилиға яқин бўлиб, Навоий ўз ҳовлиси ичидан Саййид Ҳасан Ардашерга атаб бир шинам уй қурдирган. Дарвеш қаттиқ риёзатлардан чарчаган пайтларидея ўша мўъжаз хонаға келиб, бир-икки кун яшаб, яна хонақоҳға ўз хилватига борган.

Маноқибда акс эттирилган лавҳалардан Саййид Ҳасан ва Алишер Навоий табиати ва тақдирида ажойиб муштараклик борлиги аён бўлади: “Ҳаётларининг охирида Ҳаж сафари муддаосин қилдилар. Аммо кўп монелик пайдо бўлди ва муяссар бўлмади”. Алишер Навоий ҳам ҳаётининг сўнгги ойлариға қадар ислом Ҳажини ўташ орзуси ва Расулulloҳ (с.а.в.) қабрларини зиёрат қилиш фикри билан яшаганлиги “Вақфия” ҳамда улуг инсон замондошларининг асарлари саҳифаларидан маълум.

Саййид Ҳасан ва Алишер Навоий фалсафий қарашларида ҳам муштараклик бор эди.

Саййид Ҳасан Ардашер дастлабки учрашган пайтларидеяқ илоҳий сезги билан Алишер Навоийни миллатнинг фахр-ифтихориға айланиши, миллий шижоати билан умуминсоният маънавий тараққиётиға кучли таъсир ўтказея олишини англаган. Ва, бу йўлда меҳр-муҳаббати, илтифоти, маслаҳату ғамхўрлигини дариг тутмаган.

Алишер Навоий маноқибда Саййид Ҳасан Ардашернинг тафаккур ҳазинасидан бир неча ҳикматли лавҳа келтирган.

Ашё билан ашё, буюм билан буюм орасидаги фарқ хусусида баҳс юртилар экан, илмли кишилардан бири қиёслаш учун тошқозон ва лаълни танлайди. У иккаласи ҳам тош, аммо солиштириб қаралса, тошқозоннинг баҳоси паст, шохлар тожини безовчи лаълнинг қиймати эса ундан бир неча ҳисса баланд, деган мазмунда қатъий фикр билдириб, ўз фикрининг тасдиғи учун қўйидаги машҳур байтни ўқийди:

*Лаъл санг асту деғи сангин аст,
Лек андар миён тавофут хост.*

Саййид Ҳасан Ардашер байтнинг ғоявий-бадий мундарижасидан мутлақо бошқа маъно келтириб чиқаради: “... тошқозон ва лаъл – иккаласи ҳам тошдур ва лекин ораларида фарқ бор. Тошқозонда лазиз ва фойдали таом пишарким, ҳамма – шоху гадо ундан манфаат кўрадилар, лаълдан эса халойиққа турли-туман зарар етиб туради”.

Шу суҳбат кечаётган вақтда, деб ёзади Алишер Навоий: “Султон Абусаид Мирзо ҳар кишида жаҳоир бўлса олиб, бўлмаса, дўғ-пўписалар қилиб, элга турли азоб-ўқубат ва зарар етказиб турар эрди. Ва, бу байтни ўқугон мажлисда ҳам тошқозонда ош пишадур эрди”. Мазкур далил Саййид Ҳасаннинг ҳаёт сабоқларидан чуқур фалсафий хулосалар чиқаришға қодир, дунёқарашини кенг ижтимоийетчи олим эканлигини кўрсатади.

Яна бир далил: “Алар дер эрдилар-ким, дунёға ўчликнинг мастлиғи чоғир (май, шароб) мастлиғиға ўхшамаским, чоғир мастлиғи ичган кунидур, аммо дунёға мастлиқ мансаб эғаси неча йиллар шу мансабда турар экан, кетмайди, мастдур, хуморлиғи мансабдан айрилган куни кетади”. Саййид Ҳасаннинг фикрича, маст кишининг ғофиллиғи фақат ичган кунидир. Амал-мансаб мастлиғи эса ўша банданинғ ўз вазифасидан озод қилинғунига қадар давом этади. У неча йил мансаб курсисидея турса, шунча муддат мартаба шону шавкати, зебу зийнатига маҳлиё бўлиб, ўзидан беҳабар қолади. Ададсиз кунларни, ойларни, йилларни масту беҳудлик билан ўтказеяди.

Ёши етмишдан ошган Саййид Ҳасан йигитлик қуввати жисмидан кетиб, қариллик мадорсизлиғи унга юзланган бир вазиятда ҳам руҳоний-маънавий қамолот йўлидаги изланишларда давом этган. У Самарқандға келиб, Ҳожа Аҳрори Вали хузуридея бир неча кун меҳмон бўлади: “Самарқандға Ҳазрати Ҳожа Носируддин Убайдуллоҳ шарафи суҳбатларигиға, замон аҳлининг кўпи, хусусан, Самарқанд аҳли Хожани “Кутб”ға нисбат берурлар эрди, мушарраф бўлурға азимат қилдилар. Ҳожа била неча кун суҳбатлар туруб, таъзим ва ташрифлар толиб, яна Ҳирот шаҳриға азимат қилдилар. Ва, тарих секкиз юз тўқсон тўртда – етмиш уч ёшларида оламдин ўттилар”.

Улуг Навоий мазкур маноқибдан ташқари Саййид Ҳасан Ардашер хотирасига бағишлаб ҳар банди саккиз байтли, етти банддан иборат марсия ёзган. “Мажолисун-нафоис”, “Насойимул-муҳаббат”да, “Фавоидул-кибар” девони таркибиға кирган “Соқийнома”да Саййид Ҳасан руҳи олдидея таъзим бажо этган.

Саййид Ҳасан Ардашер вафот этган пайтда подшоҳ фармони билан хизмат сафаридея бўлган Алишер Навоий қаттиқ хижолат тартади. Буни фалақдан ўзига етган зулм, деб қабул қилади. Марсияда “Кошки эди, бошинг учра ғамхўр бўлиб туриб, шарбатингни жоним ширасиға эзиб ичирсам; оғзингға таом тутсам, мулоийм сўзларим билан дардингға малҳам қўйсам; гоҳ бошинг остидаги ёстигингни тутазиб, гоҳ оёгингни ёлиб, атрофингда парвона каби айланиб, фарзандлик шартини бажарсам эди”, дея қаттиқ ўқинади. Ўзига ота мақомидея азиз инсоннинг вафоти кунди Ҳиротда бўлмаганлиғи, “навҳалор тортиб” йиғламагани, тобутни кифтиға кўтариб қабристонға боролмаганлиғи ҳамда дунёнинг барча ишларидан этак силкиб, дўсти ва устози қабри устида сокин турулмаганлиғидан афсус-надомат чекади. Сафардан қайтган улуг инсонларвар шоир Ҳирот шаҳрининг шимолий ҳудудида жойлашган, “Жўйи нав” суви ичидан оқиб ўтадиган хушҳаво, хуштабиат манзилда ҳазира тайёрлатиб, Саййид Ҳасан Ардашер хокини ўша ерга қўйдирди. Тирикликда дарвешға яқин ҳамсуҳбат бўлган бошқа азиз инсонларнинг хоки поклари ҳам “пароканда ерлардан” йиғиштирилиб, Саййид Ҳасан Ардашер хоҳобининг атрофиға дафн қилинади. Ва, эл тилида мазкур мазористон “Азизлар ҳазираси” номи билан машҳур бўлади.

Хуллас, Алишер Навоий “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида аниқ шахсият мисолида ўзи ихлос қўйган комил инсонлардан бирининг тарихий сиймосини акс эттирган.

**Дилором САЛОҲИЙ,
профессор.**

БАЙРАМ КАЙФИЯТИ БУЗИЛМАСИН!

Янги йил байрами дастурхонини турли нозу неъматлар, мева ва шербатлар, пишириқлар билан безаш, хуштаъм таомлар ҳамда салатлар тайёрлаб, оила аъзолари билан ўтириш, меҳмон кутиш анъанавий одатга айланиб қолган. Шу сабаб байрамга тайёргарлик кўриш учун дўкон ёки бозорга бориб, маҳсулот танлаймиз.

Тадбиркорлар аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиш, сотувчилар эса савдо пештахталари ва бозор расталарини маҳсулот билан тўлдириш пайда бўлишади. Аммо бозор ва савдо дўконларида сотилаётган, ташқи кўриниши бежирим, ўрами чиройли маҳсулотларнинг ҳаммасини ҳам сифатли деб бўлмайди. Байрам кунлари фойда олишни мақсад қилган "тадбиркор"лар ҳам йўқ эмас.

Улар тиббий кўриқдан ўтмаган ёлланма ишчилар ёрдамида тез бузилувчи, кремли қандолат ҳамда гўшт, сут ва тухум қўшилган маҳсулотлар, шунингдек, балиқли салат ҳамда хасипларни тайёрлаб, санитарияга зид жойларда сақлаб келиш-



моқда. Уларни бир неча кун сақлаб, сўнг савдога чиқараётганлиги ташвишланарли. Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи ёлланма ишчилар орасида касаллик микробларини ташувчилар ҳам бўлиши мумкин.

Айниқса, қўлбола мева-сабзавот ва кўзикарин консервалари бутулзмига сабаб бўлади. Сўнгги йилларда уйда тайёрланган консерва ва тузламалардан гуруҳли захарлини ҳолатлари кузатишмоқда.

2022 йилда Пайариқ, Паст Дарғом, Ургут, Каттақўрғон тумани ва шаҳрида овқатдан захарланиш билан боғлиқ 15 ҳолат қайд этилиб, 146 киши жабрланди. Уларнинг 27 нафари вояга етмаган болалардир. 78 нафар фуқаро тўйхонада тайёрланган салатлардан, 37 нафар киши хот-дог, шаурма ва пиццалардан, 12 нафари уйда тайёрланган сифатсиз маҳсулотлардан захарланган.

Кўпинча, маҳсулот танлашда унинг таркиби, қаерда, қандай шароитда тайёрланганлиги ва сифатини кафолат-

ловчи ҳужжатларига эътибор бермаймиз. Шу сабаб у ёки бу корхона маркасини адаштириб, сифати кафолатланмаган маҳсулот харид қилишимиз ҳам мумкин.

Байрам дастурхонига маҳсулот танлашда адашманг, уларнинг ташқи кўриниши, ўрамининг бежиримлиги, чиройига ўчманг. Озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишда унинг сифати, яроқлилик мuddатига эътибор беринг. Консерва маҳсулотларини очишдан олдин уни чайқамасдан, яхшилаб кўздан кечиринг, маҳсулотнинг эзилмаганлигига, сақлаш мuddати, идиш бутунлиги ва қопқоқларининг шишмаганлигига диққат қилинг.

Аҳолининг овқатдан захарланишининг олдини олиш фақат тиббиёт ходимларининг эмас, балки барчанинг вазифаси эканини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Юсуф РАҲИМОВ,
вилоят санитария-эпидемиологик оқошталлик
ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўлим mudiri.

Янги китоблар

“Тарбия тақани тўғрилайди”

Журналист қасамёди ҳақида эшитганмисиз? Ҳа, у ҳам қасамёд қилади. Фақат бу Гиппократ ёки судьялар қасамёдига ўхшамайди. Махсус тантана ва маросим ҳам бўлмайди. Мазкур аҳд унинг шуурида болалигидан шаклланиб келади ва қалбида абадий муҳрланади. У бутун умр халқ дарди билан яшашга онт ичати.



иктидор талаб қилинади. Муаллиф асарда таъкидлаганидек, ҳақиқий журналист ўзи учун эмас, одамлар дардига, хасратига малҳам бўлиш учун меҳнат қилади.

Китоб ҳақида тўхталадиган бўлсак, “Зарафшон” газетаси кутубхонаси туркумидан” рўқни остида чоп этилган асарда А.Ҳайдаровнинг матбуот нашрларидега босилган сара мақолалари, суҳбат ва мулоҳазалари жамланган. Уларни мутолаа қилар экансиз, муаллиф кўтарган ҳар бир мавзу чуқур таҳлилий очиб берилгани, жараёнда миллий ва замонавий публицистиканинг турли жанрлари имкониятидан маҳорат билан фойдаланилганига амин бўласиз. Шу нуқтаи назардан, асар нафақат мулоҳаза учун мавзу, балки журналистикага энди қадам қўяётган ёшлар учун қўлланма вазифасини ҳам бажаради.

Самарқанд журналистика мактабининг вакили, таниқли публицист Акрам Ҳайдаровнинг “Тарбия тақани тўғрилайди” номли китоби билан танишар эканман, хаёлимдан шу фикрлар ўтди. Бу касбга тайинланиш мумкин, аммо унда ишлаш учун катта юрак, матонат ва

Асқар БАРОТОВ.

Саҳобалар ҳақидаги китоб

Саҳобалар Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломни кўриш, у зотга суҳбатдош бўлиш ва ҳамроҳлик қилиш бахтига мушарраф бўлган, шу билан бирга, мусулмон ҳолида оламдан ўтганлардир. Саҳоба сўзи араб тилидан олинган бўлиб, суҳбатдош, ҳамроҳ, йўлдош деган маъноларни беради.

Саҳобалар пайғамбаримиздан ҳадис ривоят қилган, у киши билан ёнма-ён муқаддас Ислому динини кенг тарғиб этган.

Мисрлик машҳур ислмушунос олим ва адиб Халид Мухаммад Халиднинг “Рижолу ҳавлар-росул” асарида саҳобалар ҳақида сўз юритилган. Уларнинг пайғамбаримиз ёнларидега туриб, Ислому дини йўлида амалга оширган ишлари, машаққатли, аммо сабр-қаноатга тўла ҳаёти, эзгу ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Самарқанд вилояти бош имом-хатиби Зайибрат, катта мактаб вазифасини ўтайди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий асарлари изоҳли луғати

Яқинда Самарқандда “Fan bulog'i” нашриётида беҳбудийшунос олма Дилафрўз Раҳматованинг “Маҳмудхўжа Беҳбудий асарлари изоҳли луғати” нашр қилинди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон жадидчилик ҳаракатининг фаол аъзоларидан бири сифатида юртимиз маорифи тарихида ўз ўрнига эга. У публицист, драматург, ношир, янги усулдаги мактаб асосчиси, тилшунос олим, сиёсатчи сифатида бир томондан Чор Россиясининг босқинчилик сиёсати кучайиб бораётган, иккинчи томондан эса маҳаллий хон ва амирликнинг эътиборсизлиги, бошқарувни эплай олмай қолганлиги натижасида ўлкада парокандалик ҳукм сурган даврда фаолият олиб борди, маънавий қадриятларни асраш, таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқитишда хорижий тилларни ўргатиш масалаларига бағишланган қатор асарлар яратди. Адиб ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ўтган асрнинг 20-йилларидан бошланган ва ҳозирга қадар давом этиб келмоқда.

Мазкур китоб ҳам шу анъаналар давоми сифатида яратилган бўлиб, унда адиб асарларида қўлланилган сўзлар изоҳи берилган.

Толиб ЖўРАЕВ.

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 417 nusxada chop etildi. Buyurtma 865. Hajmi 3 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Янги йил мушоираси

Самарқанд

Бу замин қўйнида қадимий сир бор,
Қадимий дарду бахт, ташвиш, хаёл-ўй.
Бунда булбул қилган гўзал нолалар,
Гуллар ҳам ўзгача таратишган бўй.

Унга кўкдан майин жилмайган қуёш,
Тунлари шайдоси бўлган ҳазин моҳ.
Бу замин — эрк дея кўтарилган бош,
Ўтмишдан эртага тикилган нигоҳ.

Неча-неча карвон, неча минг одам,
Айланган меҳмону нишонасига.
Бунда ҳар бир зогнинг бошин қилмай ҳам,
Қисмат нур таратган пешонасига.

Оташпараст руҳ ва кўнгил майлини
Ўз олови билан қондирган юрт бу.
Минг йилларга чўзиб яшаш сайирини,
Зиё маъшалини ёндирган юрт бу.

Офтобни кифтига кўндирган маъво,
Зилол булоқлардан сув ичган замин.
Дилларни ҳамиша айлаб руҳафзо,
Етти иклим аро йўл кечган замин.

Бу заминга келган одам борки то
Сира енгилмаган зарра ташвишга.
Ишқига жо бўлган Боғи Дилқушо,
Кўнглини бахш этган Боғи Беҳишга.

Дея, сенинг учун азиз дилбандман,
Кезиб юрар гўё орзулари минг.
Ана, ҳали ҳамон Боғи Баланддан,
Нафаси кетмаган Бибихонимнинг.

Мозий сўз жуфтласин дил ҳайратига,
Очганди ҳамдўстлик сари равон йўл,
Оқил ҳукмдорлар машваратига
Не замонлар гувоҳ бўлган Кониғил.

Кўнгиллардан тошиб гўё муҳаббат,
Эзгу юракларнинг орзулари жам,

Ўткир РАҲМАТ.

Янги йил

Кувончлар олиб одил,
Кириб келди янги йил.
Совғалари хилма-хил —
Кириб келди янги йил.

Шодон ўйнанг, лутф қилинг,
Ношодликка кулф уринг.
Ҳар онин бахт билинг,
Кириб келди янги йил.

Қутлуг бўлсин қадами,
Ёруғ бўлсин ҳар дами.
Эзгуликлар олами —
Кириб келди янги йил.

Арча-ю сози билан,
Яшил пардоз билан,
Ўктам овози билан —
Кириб келди янги йил.

Энди дардлар кетади,
Эл муродга етади,
Дунёни шод етади —
Кириб келди янги йил.

Жумагул СУВОНОВА.

Яхшилик билмас эсанг, яхши муқофот кутмагин,
Яхшилик қилмас эсанг, ҳайру саховат кутмагин.

Бадгумондан эт ҳазар, ақли ноқисдин бўл нари,
Дили қаттиқ кимсадин тафту ҳарорат кутмагин.

Дўстлигинг сўзда эмас, ростда намоён айлагин,
Ҳар танишу улфатингдан сарфу садоқат кутмагин.


Истасанг меҳру муҳаббат, берма озор кимсага,
Сийлагини сийлашар, ғайридин иззат кутмагин.

Сотмагин арзонга қадринг лаҳзалик лаззатни деб,
Эканинг бергай ҳосил, арзондан қиммат кутмагин.

Айру тушса тилу дил, рост айтганинг ёлгон бўлар,
Ҳимматинг бўлмай намоён розу раҳмат кутмагин.

Эй Суюндиқ, бил чироғ аҳли дониш ҳикматин,
Ранжу меҳнат тортмайин Ҳақдин ҳидоят кутмагин.
Суюндиқ Мустафо НУРАТОВИЙ.

Мунажжимлар қуён йили ҳақида



Осиё халқлари орасида Ой цикли бўйича тўртинчи йил энг бахтли ҳисобланиб, ривоятларда келтирилишича, шарқий бурж белгилари орасида у айнан қуёнга насиб этган.

2023 йил эгаси - қора сув қуёни бўлиб, олти йилда бир келади. Илгари у 1903, 1963 йилларда келган. Айтганча, 60 йил муқаддам қора сув қуёни йилида одамлар тараққиёт ва тинчлик ботида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришган: коинот узлуксиз таққик қилинган, халқаро алоқалар мустаҳкамланган, маданият ривожланган. Буларга биринчи аёл космонавт Валентина Терешкованинг коинотга парвози, машҳур "Битлз"нинг сайёра бўйлаб зафарли юриши, Африка эркинлиги кабилар қиради.

Астрологлар қуён - майин, ёқимтой, мулойим ва насл-насабига ғамхўр бўлгани учун йил тинч ва уйғунликда ўтишини, ижобий ва позитив келишини башорат қилмоқда.

Мунажжимларнинг таъкидлашича, йил кўчмас мулк қуриш ва сотиб олиш учун қулай келади. Умман олганда, қуён барча янгиликни олиқшайди - янги бизнес, янги иш, ўқиш, ўрганиш.

Қуён меҳр-оқибат ботида ҳам устунликка эга. У уйнинг саранжом-сарийталигини жуда қадрлайди, оиласи, дўст-биродари ва қавм-қариндошининг ҳурмат-иззатини жойига қўйгани бошига кўтаради.

Йил давомида асосий қадрият - хавфсизлик ва фаровонлиқни сақлаш бўлади.

Йил айниқса Аждаҳо, От, Ит йилида туғилганларга жуда омадли келади.

Қуён йилида туғилган болалар жозибаси билан ҳайратда қолдиради. Улар меҳрибон, босиқ, чиройли ва ақли бўлади. Айтганча, Альберт Эйнштейн, Жорж Сименон, Эдит Пиаф, Френк Синатра каби машҳурлар ҳам қуён йилида туғилган.

Йил шоҳи - Қуён аниқ мақсадли, қатъиятли, тиришқоқ, матонатли одамларнинг муваффақиятга эришишига ёрдамга шошади. Бундай феъл-атвор эгаларига фаровонлик, қизикарли саёхат ва ажойиб янгиликлар ваъда қилади.

Г.ХОЛДОРОВА тайёрлади.

Газетамизнинг навбатдаги сони 2023 йил 4 январь, чоршанба куни чоп этилади.



MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 417 nusxada chop etildi. Buyurtma 865. Hajmi 3 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

T.SIDDIQOV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



9 1772010667009
Sotuvda narxi kelishilgan holda